# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 9 апрель, № 72 (8967) Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.





# ОЧИҚ ВА ПРАГМАТИК СИЁСАТ ҲОСИЛАСИ



***Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси 8 апрель куни ҳам ўз тадбирларини режа асосида олиб борди.***

***150-юбилей ассамблеяси доирасида уюштирилган давра суҳбатида Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари аъзолари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини муҳокама этишди. Асосий эътибор БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини амалга оширишда парламентларнинг ўрни ва аҳамиятига қаратилди.***

Тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), ЮНИСЕФ ва PMNCH (Она, бола ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамкорлиги) вакиллари ҳам қатнашди. Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш йўлида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, ЖССТ ва ЮНИСЕФ билан амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ҳақида фикр юритилди.

Шунингдек, "Янги Ўзбекистон даври: ислоҳотлар ва истиқболлар" мавзуидаги медиатадбирлар дастурига биноан "Миллат саломатлиги: Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида инновациялар ва ислоҳотлар", "Бирдамлик йўли: миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон тажрибаси" мавзуларида ҳам йиғилишлар ўтказилди. Унда ассамблея меҳмонлари, спикерлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

2, 3-саҳифаларга қаранг.

## Марказий Осиё — Европа Иттифоқи:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Мана бир неча кундирки, Ўзбекистон дунё давлатлари, халқаро ташкилотлар, етакчи экспертлар ҳамда нуфузли оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлиб турибди. Хусусан, 3-4 апрель кунлари Самарқандда бўлиб ўтган "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа сиёсий ҳаётида муҳим бурилиш нуқтаси сифатида баҳоланмоқда.*

### Таҳлил

Ушбу саммит Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё муносабатларида янги саҳифа очди. Зеро, глобал бекарорлик туфайли йирик ўйинчиларнинг Марказий Осиёга қизиқиши тобора ортиб бораётган бир шароитда Европа Иттифоқи ҳам минтақа билан ҳамкорликни барқарор ривожланиш, ўзаро боғлиқлик ва сармоявий жозибадорлик тамойиллари асосида кенгайтиришга интилишини намойиш этмоқда. Гап шундаки, биз бир вақтнинг ўзида Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси каби йирик давлатлар ўртасидамиз. Европа Иттифоқи яна бир глобал ўйинчи сифатида Марказий Осиё ўзининг ҳозирги статус-квосини сақлаб қолиши ва "куч марказлари"га қўшилишга интилмаслигидан манфаатдор. Табиийки, бу борадаги энг яхши стратегия ўз инвестиция лойиҳалари, савдо ҳамкорликлари ва ўзининг сиёсий кафолатларини таклиф қилишдир. Шу нуқтаи назардан, муҳим тадбирнинг айнан юртимизда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада оширди. Саммитга мезбонлик Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи давлат сифатидаги ўрнини мустаҳкамлади. Мамлакат ташқи сиёсатининг очиқ, прагматик ва мулоқотга тайёр эканини кўрсатди.

Бугунги кунда Европа Иттифоқи Марказий Осиёнинг учта асосий ташқи савдо ҳамкорларидан биридир. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларига йўналтирилган сармояларнинг 40 фоиздан ортиғи Иттифоққа аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Самарқанд саммити Ўзбекистон учун бу ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, сармоя ва технологияларни жалб қилиш, жаҳон миқёсида ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун ноёб имконият бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Халқаро эксперт ва таҳлилчилар фикрича, тадбир Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлайди. Хусусан, **Европарламент депутати Катарина Неведалованинг (Словакия)** таъкидлашича, Марказий Осиё жаҳон сиёсатининг муҳим геосиёсий ўйинчиси ва субъектига айланмоқда. Европа эса дунёнинг бу қисмида ўз иштирокини кучайтириши керак. Қолаверса, 27 аъзони ўзида бирлаштирган, 450 миллиондан зиёд аҳолига эга Европа Иттифоқи каби халқаро сиёсий ва иқтисодий кучлар билан мулоқотда тенг ҳуқуқли шерик сифатида иштирок этиш Ўзбекистоннинг дипломатик салоҳиятини мустаҳкамлайди. Шу боис Самарқандда ўтган "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити халқаро муносабатлар тизимида муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда. У нафақат икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлайди, балки минтақавий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва сиёсий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар эшигини очади.

Шу ўринда тарихга мурожаат қилсак, олий даражадаги "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" форматини йўлга қўйиш ташаббуси 2022 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Остонадаги учрашуви чоғида илгари сурилганини алоҳида таъкидлаш керак. Ушбу ташаббус Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий доктринасига мос бўлиб, унда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги интеграцияни чуқурлаштириш ва минтақада барқарор ривожланишга, самарали халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар устувор ҳисобланади.

Самарқанд саммитида умумий йўналиш ва устуворликлар белгиланди. Бу савдо ва инвестиция алоқаларини мустаҳкамлаш, тоза энергия, ўта муҳим хомашё ресурслари, транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бошқа соҳаларни қамраб олади. **Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти Европа ва Америка тадқиқотлари бўлими етакчи эксперти Алишер Абдрешевнинг** фикрича, Европа Иттифоқининг инвестиция стратегияси — "Global Gateway" муҳокамалар марказида бўлди.

4

**Учрашув**

# ТИЗИМЛИ ВА БАРҚАРОР АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқ 150-юбилей ассамблеяси доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева хорижий мамлакатлар делегатлари билан учрашувлар ўтказмоқда.*

Хусусан, 7 апрель куни Сенат Раиси Бирлашган Араб Амирликлари Федерал миллий кенгашининг Мудофаа, ички ва ташқи ишлар қўмитаси раиси Али Рашид ал-Нуаймий билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар якунлари, жумладан, 2025 йил январь ойида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги битимни ҳамда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича келгусидаги қадамлар муҳокама қилинди.

Шу нуқтаи назардан, икки мамлакат ўртасида имзоланган "йўл хариталари" ҳамда Меморандум доирасидаги келишув ва лойиҳалар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш таклиф этилди. Бунда тизимли ва барқарор ҳамкорлик, тегишли қўмиталар ва "дўстлик гуруҳлари" фаолиятини кучайтиришга урғу берилди.

Мўғулистон Давлат Буюк Хурали Раисининг ўринбосари Хурэлбаатар Булгантуя билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида парламентлараро дўстлик гуруҳи ишини фаоллаштириш ва 2025-2026 йилларга мўлжалланган парламентлараро ҳамкорлик бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон ва Мўғулистон қонун чиқарувчи органлари алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари диққат марказида бўлди.

Учрашувда келгусидаги режалар, шу жумладан, парламентлар раҳбарларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилди.

2

# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ЭҲТИРОМГА АСОСЛАНГАН ШЕРИКЛИК

*Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бир қатор давлатлар парламентлари делегациялари билан учрашувлар ўтказди.*

Жумладан, Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий мажлиси Раиси Чан Тхань Ман бошчилигидаги делегация билан учрашувда кейинги йилларда мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқотлар Ўзбекистон — Вьетнам ҳамкорлигини сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда изчил ривожлантиришга кучли турткн бергани алоҳида айтилди.

Ўз навбатида, Чан Тхань Ман Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти билан самарали ва очиқ ташқи сиёсатини юқори баҳолаб, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлган парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳар жиҳатдан фойдали эканини қайд этди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Ўмон Султонлиги Шўро кенгаши Раиси Холид бин Хилол ал-Маъвали бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Ўмон билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни чуқурлаштиришга катта аҳамият бериши, кейинги йилларда ушбу давлат билан молиявий-инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилаётгани эътироф этилди.

Ўз навбатида, Ўмон Султонлиги Шўро кенгаши Раиси сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни эътироф этиб, бугун дунёда Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётгани, у Марказий Осиё минтақасида асосий ҳамкор давлат сифатида кўрилишини билдирди.

Суҳбат давомида мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш, саноат кооперациясини йўлга қўйиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

3

# МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ МАСАЛАЛАРИ

*Кеча пойтахтимизда ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида уюштирилган давра суҳбатида Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари аъзолари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини муҳокама этишди. Бунда асосий эътибор БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга оширишда парламентларнинг ўрни ва аҳамиятига қаратилди.*

### Давра суҳбати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов тадбирда сўзга чиқиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлараро ҳамкорлик ва халқаро мулоқотнинг долзарблигини алоҳида таъкидлади.

Сўзга чиққанлар, хусусан, БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Софи Киладзе, Парламентлараро Иттифоқ ҳамда БМТ вакиллари парламентлар салоҳиятини ошириш, халқаро тажрибани жорий қилиш ва назорат механизмларини мустаҳкамлаш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

## Нуман Куртулмуш:

# БУГУН ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА



*Тошкент шаҳрида илк бор бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси халқаро миқёсдаги энг нуфузли сиёсий тадбирлардан бири сифатида тарихга кирмоқда. Ушбу юқори даражадаги анжуманда қатнашаётган Туркия Буюк миллат мажлиси Раиси Нуман Куртулмуш билан ушбу тадбир, парламентлараро алоқалар, минтақавий ҳамкорлик ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни борасида суҳбатлашдик.*

### Эксклюзив интервью

**— Раис жаноблари, суҳбатимизни Тошкентда бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси ҳақидаги фикрингиз билан бошласак. Мазкур тадбирнинг халқаро миқёсдаги аҳамияти, шунингдек, анжуманнинг Марказий Осиёда илк маротаба Ўзбекистонда ўтказилаётганини қандай баҳолайсиз? Бу Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни, унга бўлган ишончини қай даражада акс эттиради?**

— Мана шундай муҳим ва нуфузли халқаро анжуманнинг Тошкентда бўлиб ўтаётгани беқиёс аҳамиятга эга. Аввало, буни Ўзбекистоннинг кейинги йилларда турли соҳаларда жадал суръатларда ривожланиб, халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин деб ўйлайман. Парламентлараро Иттифоқ ассамблеяси каби йирик ва нуфузли халқаро анжуманнинг айнан Ўзбекистон заминида ўтказилиши мамлакатда ижтимоий тараққиёт, тинчлик ва янада адолатли дунё қуришга интилиш борасида кучли сиёсий ироданинг мавжудлигини англатади. Ассамблея доирасида ўтаётган муҳокамалар, расмий тадбирлар ва учрашувлар юқори савияда уюштирилгани эса мамлакатнинг бу борадаги салоҳияти ҳамда масъулиятини яна бир бор намоён этмоқда.

2

**9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун**

# ҲАРБИЙ САНЪАТНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

*Амир Темур бобомизнинг юксак ҳарбий санъати дунё ҳарбий фанида, ҳарбий-стратегик тафаккурида етакчи ўринда туришини алоҳида фахр-ифтихор билан таъкидлаш лозим.*

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда Соҳибқироннинг бой ҳарбий-жанговарлик меросини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу халқимизнинг миллий ғурурини янада ошириш, Қуролли Кучларимизни жанговарлик қобилияти баланд, ҳарбий билими юксак ва иродаси мустаҳкам ёш кадрлар билан тўлдиришда муҳим аҳамиятга эга.*

Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди, саркардалик маҳорати қўшинлар тузилиши, олиб борган жангларида ва қўллаган "савқулжайш" (стратегия) ҳамда жанг қилиш услублари — "таъбиятулжайш" (тактикалари)да намоён бўлади.

Йирик жангларга шошилмасдан пухта тайёргарлик кўриш, рақибларни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда уларнинг бошқа иттифоқчилар билан бирлашишига имкон бермаслик, ҳар томонлама кўмак олиш йўлларини кесиш бўйича тадбирлар Соҳибқирон ҳарбий стратегиясининг муҳим қисмлари эди.

Буюк саркарда қайси мамлакат ёки ҳудудга юриш қилмоқчи бўлса, уни обдан ва атрофлича ўрганар, агар сиёсат ва тинч воситалар билан, яъни элчилар орқали масалани ҳал этиш имконияти бўлса, бу ерда қурол ишлатишни ортиқча деб биларди. Агар қайси мамлакатда золимлик, зўравонлик, жабр-зулм, адолатсизлик ҳукм сурса, оддий халқ оммасининг қашшоқ аҳволда ўз ҳукмдоридан норозилиги кучайиб кетган бўлса, бундай заминга уруш очар эди.

Амир Темурнинг донолиги, пухта ҳарбий стратегияси, муваффақият омиллари ҳақида тарихий далиллар талайгина.

Масалан, Соҳибқироннинг 1386 — 1388 йиллар (тарихда Уч йиллик юриш деб аталади) давомида Эронда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётганидан фойдаланиб, 1388 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон бир неча иттифоқчилари иштирокида Мовароуннаҳрга бостириб киради.

Амир Темур Эрондаги юришни тўхтатиб, зудлик билан Мовароуннаҳрга қайтади. Қўшинининг илғор қисми мамлакатдан қочиб кетаётган душманга етиб олиб, қаттиқ зарба беради. Бироқ Соҳибқирон дарров душман изига тушиб, унга қарши кенг кўламли юриш қилишга шошилмайди. Бундай юриш қилишга пухта тайёргарлик кўриш лозимлигини Амир Темур яхши англар эди ва ишни, аввало, ўз юртида тартиб ўрнатишдан ҳамда душманга кўмак берган кучларни бартараф этишдан бошлайди.

4




# ТИЗИМЛИ ВА БАРҚАРОР АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

1 Бельгия Қироллиги Сенати Раиси Винсент Блондел билан учрашувда парламентлараро ҳамкорликнинг муҳим масалалари ва икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама марказида бўлди.

Томонлар истиқболдаги режалар, хусусан, “Ўзбекистон — Бельгия” дўстлик гуруҳи йиғилишини ташкил этиш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Учрашув якунида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

* * *

8 апрель куни Парламентлараро Иттифоқ ассамблеяси доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Грузия парламенти раҳбари Шалва Папуашвили, Тожикистон Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли Раиси Файзали Идизода ва Жазоир парламенти Миллий халқ ассамблеяси Раиси Брахим Бугали билан учрашув ўтказди.

Хорижий давлатлар парламентлари раҳбарлари билан учрашувларда парламентлараро фаолиятда олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиш, “дўстлик гуруҳлари” фаолиятини кучайтириш, қонун чиқарувчи органларнинг тегишли қўмиталари даражасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни мувофиқлаштириш муҳим экани таъкидланди.

Парламентлар раҳбарлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ассамблеяда илгари сурилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашини қайд этди. Ўзбекистон томонига меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Парламентлараро Иттифоқ 150-юбилей ассамблеясини ўтказиш бўйича олиб борилган тайёргарлик ишларига юксак баҳо берди.

* * *

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе билан учрашди.

Мулоқот чоғида БМТ ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари, жумладан, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази билан ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Шунингдек, минтақада яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ишларни давом эттириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан, жумладан, унинг Минтақавий маркази орқали ҳамкорликни чуқурлаштириш, айниқса, сув ресурсларини бошқариш, ёшлар ва хотин-қизларнинг салоҳиятини тинчликни мустаҳкамлаш ва можароларнинг олдини олиш жараёнларига жалб қилиш масалаларида келишувга эришилди.

* * *

Олий Мажлис Сенати девони раҳбари Қудрат Нуруллаев Баҳрайн парламенти Вакиллар кенгаши Бош котиби Карим Муҳаммад ал-Аббосий бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашувда парламентлараро алоқаларни кенгайтириш имкониятлари, жумладан, “дўстлик гуруҳлари”ни ташкил этиш, парламент қўмиталари ва девонлари даражасида мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, икки томонлама шартномалар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш нияти билдирилди.

Якунда томонлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида якдил фикр билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ДАРАЖАСИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ КЎРСАТКИЧ

*Парламентлараро Иттифоқнинг асосий мулоқотлари мамлакатни барқарор ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш каби мавзулар доирасида ўтаётгани эътиборлидир.*

Шу ўринда гендер тенглик масаласи нуфузли анжуман ишида асосий вазифа сифатида кўрилаётганига диққатингизни қаратмоқчиман.

Қайд этиш жоизки, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунларда *“Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила қўрғонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”*, деган ва бу масала давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифа сифатида белгиланган эди.

Дарҳақиқат, бутун инсоният тақдири аёлга, онага, қизларимизга боғлиқ. Жамиятнинг бирор муаммосини аёл иштирокисиз ҳал қилиб бўлмаслиги ҳам бугун кундай равшан. Шунинг учун ҳам хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда муносиб ўрин топишлари, қисқача айтганда, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун гендер тенглик соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Аввало, ҳуқуқий асослар такомиллашмоқда.



Аслида гендер тенглик, яъни эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Бу ҳуқуқнинг тўлиқ таъминланиши иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт асосидир. Тадқиқотчилар гендер тенгликни мамлакат демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор сифатида баҳолашади. Мамлакатимизда бу соҳада сезиларли муваффақиятларга эришилаётганини рақамларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар натижалари дунё миқёсида ҳавас қиларли ютуқларга эришганимизни кўрсатди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи (57 нафар), Сенат аъзоларининг 27 фоизи (16 нафар), маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 25 фоизи аёллардан иборат. Бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич бўлди. Аввалги чақириқда аёл депутатлар 32 фоизни ташкил этган эди. Демак, бу сафар ушбу кўрсаткич 6 фоизга кўпайди.

Юртимиз гендер тенглик бўйича халқаро рейтингларда юқори поғоналарга кўтарилаётгани дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, Парламентлараро Иттифоқ маълумотларида сиёсатдаги аёллар рейтинги бўйича 190 мамлакат ичида Ўзбекистон юқоридаги 50 таликдан жой олган.

Жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти хотин-қизларнинг билими, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳеч қачон бугунгидек қизларнинг билим олишига бунчалик катта эътибор қаратилмаган эди.

Бу дегани — эртага маҳаллалар, қишлоқларда малакали, билимли мутахассислар кўпаяди, маърифатлилар сони ошади. Аёл билимли, касб-ҳунарли, моддий мустақил бўлса, оиласининг ҳам мустаҳкамлигига ҳисса қўшади. Фарзандларини ҳам илмпарвар қилиб вояга етказади. Демак, битта қизимизнинг ўқимишли бўлиши, миллатнинг маърифатли бўлиши деб бежиз айтилмаган.

Қизларни олий таълимга рағбатлантириш қамровини кенгайтириш соҳасидаги эзгу ишлар изчил амалга оширилаётгани натижасида бугун Қашқадарё вилоятидаги жами 110 минг талабанинг 51 минг 705 нафари қизлардир. Қизларнинг магистратура босқичидаги шартнома пуллари бюджет ҳисобидан тўлиқ қопланаётгани малакали мутахассислар сонини янада кўпайтирди. Бугун вилоятдаги жами 1 минг 593 нафар магистрнинг 764 нафари қизлар.

Вилоятимизда хотин-қизларнинг 28 нафари фан доктори, 279 нафари фан номзоди — фалсафа доктори саналади. Бундан 10 — 15 йил аввал Қашқадарёда аёллар орасида бир нафар фан доктори борлигини инобатга олсак, бу соҳада ҳавас қиларли натижаларга эришилганини тасаввур этиш қийин эмас. Бу ҳам гендер тенглик соҳасидаги эришган ютуқларимизнинг амалий кўринишидир.

Катта кўтаринкилик, юксак савияда бошланган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси, шубҳасиз, жаҳон парламентаризми ривожида муҳим босқич бўлади. Дунё парламентлари билан қонунчилик соҳасида ўзаро тажриба алмашиш ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик, аёллар ва ёшлар масалаларида ҳамкорликни янада ривожлантиришга куч беради. Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дўстона мулоқот эса инсон қадри, эрки, қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини кафолатлаб, жаҳонда барқарор тараққиётни таъминлайди.

**Комила КАРАМОВА,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ МЕНДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ



**Антонио АЛОНСО,**
**Сан-Пабло университетининг Ижтимоий тадқиқотлар институти профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт (Испания):**

— Ўзбекистон Президентининг Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси очилишидаги нутқи билан танишиб чиқдим.

Ўзбекистоннинг кейинги йилларда эришган кенг кўламли ютуқлари менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Қисқа вақт ичида мамлакатда парламент ролини кучайтиришга қаратилган 20 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Бу демократлаштириш ва барқарор ривожланиш йўлидаги ҳақиқий қадамдир.

Эътиборлиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага оширилди. Парламент институционал салоҳиятининг бундай сезиларли даражада кенгаётгани юксак эътирофга сазовор.

Ўзбекистон парламентида аёлларнинг улуши 38 фоизга етганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Мазкур рақамлар жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Бу гендер тенгликни таъминлаш борасидаги сиёсий иroданинг ёрқин далили ҳисобланади.



Ёшлар парламентларининг глобал платформасини яратиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи жуда муҳим. Айниқса, 2021 йилдан бошлаб мамлакатда ёшлар парламенти муваффақиятли фаолият юритаётгани ёшларнинг қонун ижодкорлигида қатнашиши учун реал имкониятлар очаётгани ҳам рамзий маънога эга.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ҳиссасини ҳам таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюциясининг бир овоздан қабул қилингани фаол ва масъулиятли позициянинг яна бир тасдиғидир.

Замонавий дунё турли чақирувлар, жумладан камбағаллик, иқлим ўзгариши, сунъий интеллект каби катта муаммоларга дуч келмоқда. Мен Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бўйича қонунчилик базасини яратиш зарурлиги ҳақидаги таклифни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Умуман олганда, Ўзбекистон дадил ва изчил олға бориш борасида намуна кўрсатмоқда. Ушбу тажриба ўрганиш ҳамда ҳурматга лойиқдир.

# ЁШЛАР ОВОЗИ КАТТА КУЧ

*Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида ёш парламент аъзолари форуми ўтказилди. Унда халқаро ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш масалалари кўриб чиқилди.*



Маълумки, ҳозирги кунда ёшлар дунё аҳолисининг катта қисмини ташкил этади. Шу маънода, ассамблея ёш парламентарийлар учун улкан имкониятлар эшигини очади. Бу ерда улар халқаро ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатиб, глобал сиёсий тенденцияларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўлади. Айниқса, Ўзбекистон ёшлар парламенти вакилларининг иштироки мамлакатимиз сиёсий тизимидаги ёшлар овозининг нақадар муҳим эканини яна бир бор намоён этади.

Форумда турли мамлакатлардан келган ёш парламент аъзолари билан глобал ва миллий миқёсда ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, шунингдек, глобал хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликка муносиб ҳисса қўшишини таъминлаш каби масалалар юзасидан очиқ ва самарали мулоқот олиб бордик. Уларда халқаро сиёсий инқирозлар, қуролли можароларнинг узоқ муддатли оқибатлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири ҳақида ёш парламентарийлар ўз фикрларини билдириб ўтди. Шунингдек, парламентларнинг инқирозли ҳудудларда тинчлик-барқарорликни таъминлаш борасидаги ўрни, халқаро ҳамкорлик самарадорлиги ва янги ташаббуслари кўриб чиқилди.

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси ва унинг доирасида ташкил этилган Ёш парламентарийлар форуми ёшларнинг глобал сиёсатда тутган ўрнини мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон мезбонлиги остида ўтаётган мазкур муҳим халқаро тадбир мамлакатимиз учун нафақат сиёсий нуфуз, балки ёш лидерларнинг ривожланиши учун ҳам беқиёс имкониятдир.

**Авазбек АРАББОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.**

## Нуман Куртулмуш:

# БУГУН ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

1 Ўзбекистоннинг бундай муҳим халқаро анжуманга мезбонлик қилаётгани, шубҳасиз, унинг келажакда ҳам кўплаб глобал мулоқотлар марказига айланиши учун мустаҳкам замин яратади. Бу эса давлатнинг халқаро майдондаги мавқеи ва танилишига салмоқли ҳисса қўшади. Чунки юзлаб нуфузли меҳмонлар — парламент раҳбарлари, сенаторлар, депутатлар иштироки, шунингдек, тадбирнинг дунё мамлакатлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётгани жараённинг аҳамиятини янада оширмоқда.

Мен Ўзбекистон халқини, ҳукуматини ва парламентини самимий табриклайман ва бундай юксак даражадаги мезбонлик учун чуқур миннатдорлик билдираман.

**— Парламентлараро мулоқотнинг глобал барқарорлик ва тинчликни таъминлашда ўзига хос ўрни бор. Ассамблеянинг “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзуси доирасида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Шундай экан, биз ушбу ассамблеядан қандай амалий натижалар, ҳамкорлик ташаббуслари ёки барқарор келажакка йўналтирилган таклифларни кутишимиз мумкин?**

— Албатта, бундай муҳим халқаро платформада долзарб масалаларнинг очиқ ва эркин муҳокама қилинаётганининг ўзи катта ютуқ. Шу ўринда бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлашни истардим, биз, парламент аъзолари нафақат ўз халқларимизнинг вакиллари, балки глобал виждоннинг ҳам сўзловчиларимиз. Ҳа, биз жаҳон ҳамжамияти номидан адолат, тинчлик ва ҳақлиликни баралла тилга олишимиз, инсониятнинг умумий муаммоларига ҳамдард бўлишимиз шарт. Парламентлар фақат қонунлар ишлаб чиқиладиган ёки қабул қилинадиган жой эмас, балки бутун инсоният олдидаги энг муҳим муаммолар муҳокама этиладиган, ечимлар изланадиган очиқ минбарга айланиши керак. Айниқса, ҳозирги кунда дунё муаммолари глобал тус олган бир пайтда уларнинг ечими ҳам шундай бўлиши лозим.

Шу боис ҳар бир иштирокчи ўз фикрини очиқ ифода этиши, тинчлик, адолат, ҳақлилик ва инсоний қадриятлар ҳимояси йўлида нималар қилиниши мумкинлиги борасида эркин мулоҳаза юритиши керак деб ўйлайман. Албатта, биргина анжуманда барча муаммога якуний ечим топиб бўлмайди. Бироқ энг асосийси — умумий фикрлаш, глобал масъулият ва ҳамжиҳатлик руҳини шакллантириш. Ҳар бир иштирокчининг бу жараёнга чин дилдан ва юксак масъулият билан ёндашиши айнан мана шу йўлдаги энг муҳим қадамлардан биридир.

**— Ўзбекистонда сўнгги йилларда парламент мавқеини ошириш борасидаги ҳаракатлар фаоллашиб, ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Шу ўринда Туркия томонининг Ўзбекистон билан келгусида парламентлараро алоқаларни кенгайтириш юзасидан ташаббус ёки режалари қандай?**

— Туркия ва Ўзбекистон тарихан илдизлари муштарак, бугун эса дўстлик ва биродарлик ришталари билан янада мустаҳкам боғланган давлатлардир. Мамлакатларимиз раҳбарлари — муҳтарам Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған ўртасидаги илиқ ҳамда яқин муносабатлар бугунги кунда нафақат икки томонлама сиёсий ҳамкорликда, балки халқаро майдонда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Шу жиҳатдан икки давлат парламентлари ҳам бу илиқ муносабатларга муносиб тарзда ҳисса қўшиши, мавжуд алоқаларни янада чуқурлаштириши зарур деб ҳисоблайман. Парламент дипломатияси имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш бугунги кун талабидир. Хусусан, дўстлик гуруҳлари фаолиятини жадаллаштириш, халқаро платформаларда турк ва ўзбек депутатларининг яқиндан ҳамкорликда ишлаши, шунингдек, парламентларимиз ўртасидаги институционал яқинликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мана шундай яқин дўстона алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида жорий апрель ойида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Туркияга ташрифи режалаштирилган. Ташриф доирасида Истанбул ва Анқарада юқори даражадаги учрашувлар бўлиб ўтади ҳамда икки мамлакат парламентлари ўртасида англашув меморандуми имзоланиши кўзда тутилган. Бу ҳужжат, албатта, томонлар ўртасидаги яқин ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

**— Ўзбекистонга ташрифларингиз давомида ёдингизда қолган, сизга чуқур таъсир қилган бирор воқеани биз билан бўлиша оласизми? Сизнинг нафақат бир мамлакат парламенти раҳбари, балки юртимизга меҳр билан қарайдиган туркиялик инсон сифатидаги фикр-мулоҳазаларингиз ҳам биз учун қизиқ. Умуман, Ўзбекистон сизни нимаси билан ўзига жалб қилади, нималар чуқур таассурот қолдирган?**

— Ўзбекистонга ҳар гал ташриф буюрганимда юрагим янги ва унутилмас хотиралар билан тўлади. Бу менинг тўртинчи ташрифим бўлишига қарамай юртингиз менга янгидан-янги таассуротлар, руҳий фароғат бағишлади. Ўзбекистон — бу буюк Мовароуннаҳр цивилизациясининг юраги, илм ва ирфон маркази бўлган муқаддас замин. Бир томонда Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби буюк алломаларнинг илмий излари бўйлаб сайр қиласиз, бошқа томонда эса Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд сингари улуғ мутафаккирлар мероси орқали тасаввуф ва маънавият оламига шўнғийсиз. Шунингдек, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Имом Бухорий каби улуғ алломаларнинг бебаҳо илмий-маънавий мероси бу юртда ҳали-ҳануз яшаб келаётганини чуқур ҳис этамиз.

Мазкур ташрифим давомида Хивага бориш бахти насиб этди. Ушбу қадимий шаҳар ҳам менга унутилмас лаҳзаларни туҳфа қилди. Айниқса, Хивада Ислом ҳамкорлик ташкилоти томонидан ўтказилган Ёшлар форуми доирасида ташкил этилган ёшлар билан мулоқот менда катта таассурот қолдирди. Университетнинг 500 дан ортиқ талабалари ва Хива ёшларининг дунёқараши, билими ҳамда фидойилиги мени ҳайратга солди. Биз улар билан Ислом цивилизациясининг янги босқичи, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган учинчи Ренессанс ғояси ҳақида фикр алмашдик. Бугун 300 миллиондан ортиқ аҳолини бирлаштирган туркий дунё маконида ёшлар порлаётган юлдузлардек кўзга ташланмоқда. Хивада айнан ана шундай ақлли, тафаккурли, ўзига ишонган, билимли ёшлар билан мулоқот қилганимдан ғоят мамнун бўлдим. Бу учрашув мен учун нафақат бир воқеа, балки руҳиятимга чуқур сингган илиқ бир хотира бўлиб қолажак.

**«Дунё» АА.**

# АДОЛАТ САРИ ҲАРАКАТДА МУҲИМ ТАЯНЧ

*Пойтахтимизда ўтказилаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-мажлиси, бу — фақат парламентлар тарихи учун нишонланаётган сана эмас. Бу — ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда давлат институтлари ҳамда фуқаролик жамиятининг умумий масъулиятини яна бир бор тасдиқлашдир. Бугунги ўзаро боғлиқ дунёда бу мақсадларга фақат қонунчилик йўли билан эришиб бўлмайди — улар ҳаёт тарзига айланиши, жамиятнинг барча даражасида амалга татбиқ этилиши ва ҳис қилиниши лозим.*



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда демократик муҳит босқичма-босқич шаклланмоқда. Конституциявий ислоҳотлар маҳаллий Кенгашларнинг ваколатларини кенгайтириб, парламент назоратини кучайтирди. Энг муҳими, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларида жамоатчилик иштирокини кенгайтирди ва аввал четда қолган аҳоли қатламларига ўз овозини эшиттириш имконини берди. Бу ютуқ — парламентлар ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликнинг кучини тасдиқловчи ёрқин мисол.

Бироқ ижтимоий адолат фақат иштирок этиш имконияти билан эмас, балки тенгликка эришиш орқали таъминланади. Ҳақиқий адолат суд залларидагина эмас, барчани қамраб олувчи таълим, сифатли тиббиётга етарли имконият, гендер тенглиги ва эҳтиёжманд тоифаларни қўллаб-қувватлаш орқали намоён бўлади. Қонунчилик тизими имкониятлар тенглигини таъминлаш ҳамда инсон қадрини ҳимоя қилиш воситасига айланиши керак.

Очиқлик ва жавобгарлик — адолат сари ҳаракатда асосий таянчлардир. Ўзбекистондаги ислоҳотлар фуқаролик назорати ва очиқ маълумотлар сиёсатига катта аҳамият қаратмоқда. Бироқ институционал ишонч фақат парламентлар, фуқаролик жамияти ва мустақил оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик орқали мустаҳкамланади. Биз биргаликда ҳалоллик ва жамоат ишончи маданиятини шакллантиришимиз керак.

Парламентлараро Иттифоқ каби халқаро майдонлар умумий ўрганиш ва биргаликда ҳаракат қилиш учун кучли платформадир. Улар бизга қийинчиликлар (камбағаллик, тенгсизлик ёки иқлим ўзгариши) даврида бирор мамлакат ҳаракатда ёлғиз қолиши мумкин эмаслигини эслатиб туради. Барқарор ривожланиш мақсадларини чегаралардан ошган ҳамкорлик орқали рўёбга чиқариш орқали биз ижтимоий адолатнинг ҳар бир хонадонга етиб боришини таъминлай оламиз. Бу халқаро ҳамкорликнинг салоҳиятидир.

“Тараққиёт стратегияси” маркази сифатида биз ислоҳотлар жараёнида фуқаролар овозини кучайтиришга қатъий содиқмиз. Илмий таҳлиллар, мунтазам мониторинг, очиқ мулоқотлар ва самарали тарғибот орқали фуқаролик жамиятини кузатувчи эмас, балки инклюзив бошқарувнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва жамоат қадри яратувчиси сифатида намоён этишни мақсад қилганмиз. Бу фаолиятимиз — парламентлар ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигига бўлган ишончимизнинг ифодасидир.

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
**«Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори.**

**Парламентлараро Иттифоқ ҳамкорлигида ҳар икки йилда Парламентлараро глобал ҳамкорлик форуми ўтказиб келинмоқда.**



150 IPU ASSEMBLY
Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025
1889
Inter-Parliamentary Union
For democracy. For everyone.



# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ЭҲТИРОМГА АСОСЛАНГАН ШЕРИКЛИК

1

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Грузия Парламенти Спикери Шалва Папуашвили бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда Ўзбекистон — Грузия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш, норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг юбилей ассамблеяси ишида Грузия делегациясининг иштироки парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳолати ва устувор йўналишларини муҳокама қилиш учун муҳим платформа вазифасини бажараётгани қайд этилди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Бирлашган Араб Амирликлари Федерал миллий кенгашининг Мудофаа, ички ва ташқи ишлар қўмитаси раиси Али Рашид ал-Нуаймий билан учрашди.

Унда Ўзбекистон Амирликлар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни чуқурлаштиришга катта аҳамият бериши, сўнгги йилларда товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони бир неча баробар ошгани, тўғридан-тўғри авиақатновлар кўпайгани таъкидланди.

Ўз навбатида, Али Рашид ал-Нуаймий Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни, уларнинг натижаларини юқори баҳолаб, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва натижа бераётган кўламли ислоҳотлар, демократик янгиланишларнинг халқаро миқёсдаги улкан эътирофи эканини қайд этди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Мальта Вакиллар палатаси Спикери Анжело Фаружа бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Анжело Фаружа самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Мальта ва Ўзбекистон географик жиҳатдан бир-биридан олис бўлсада, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш имкониятлари борлигини қайд этди.

Шунингдек, у Ўзбекистон туризм соҳасида жуда катта салоҳиятга эга эканини эътироф этиб, ушбу йўналишда ҳамкорлик қилишга кучли интилиш борлигини билдирди. Тошкент халқаро саммитида нафақат парламентлар, балки барча тармоқлар доирасида муносабатларни ривожлантириш масалаларини кўриб чиққани ва бу, албатта, манфаатли бўлганини алоҳида таъкидлади.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Жазоир Миллий халқ ассамблеяси Раиси Брахим Бугали бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда икки мамлакат парламентларининг роли муҳим экани қайд этилди. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон — Жазоир Халқ Демократик Республикаси" парламентлараро гуруҳи тузилгани, у Жазоир парламенти вакиллари билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиб, ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, Жазоир Миллий халқ ассамблеяси Раиси Б. Бугали илиқ ва дўстона муносабат учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон мулоқот учун доимо очиқлигини, шу боис Жазоир ҳам барча соҳада ҳамкорликка тайёрлигини, айни пайтда Тошкентда ўтказилаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси келгусидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Осиё Парламент Ассамблеясининг Бош котиби Муҳаммад Ризо Мажидий билан учрашди.

Мулоқотда сўнгги йилларда Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳамда Осиё мамлакатлари парламентлари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, бу олий ва юқори даражаларда эришилган келишувларни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий асосини яратишда муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди.

"Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, қадимий цивилизацияга қўшган ҳиссаси ва бугунги кунда олиб бораётган очиқ сиёсати юксак эътирофга лойиқ. Биз Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида узоқ муддатли ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдормиз", деди Муҳаммад Ризо Мажидий.

Томонлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлигини қайд этди.

**«Халқ сўзи».**

# ГЛОБАЛ ЧАҚИРИҚЛАРНИ САМАРАЛИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ДАЪВАТ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Парламентлараро Иттифоқ 150-ассамблеясининг ялпи мажлисидаги иштироки ва нутқи чин маънода ушбу тадбирнинг нуфузини янада оширди.*

*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ягона универсал глобал платформа сифатида БМТ Низоми ва халқаро ташкилот резолюцияларига содиқлигини тасдиқлади. Президент Бош котиб А. Гутерришнинг БМТни ислоҳ қилиш, унинг глобал муаммоларни ҳал этишдаги ролини кучайтириш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлади.*

Нутқда таъкидланганидек, парламент — бу одамларнинг дарду ташвиши ва муаммоларини энг қуйи тизимдан бошлаб, керак бўлса, минтақавий ва халқаро миқёсга олиб чиқишга, уларга самарали ечим топишга қодир бўлган қудратли кучдир. Айнан улар иқтисодий инқирозлардан тортиб, терроризм ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ таҳдидларгача бўлган глобал муаммоларга самарали ечим таклиф қила олади. Буларнинг барчаси уларнинг тинчлик, адолат ва барқарор ижтимоий тараққиётни таъминлаш жараёнларидаги фаол иштирокини тақозо этади.

Нуфузли минбардан Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг қатъий тарафдори экани яна бир бор таъкидланди. Шунингдек, Афғонистоннинг халқаро майдонда яккаланиб қолишига йўл қўймаслик, амалдаги ҳукумат билан конструктив мулоқот ўрнатиш лозимлиги қайд этилди.

Ривожланаётган мамлакатлар тараққиётига жиддий тўсиқ бўлаётган иқлим ўзгаришлари давримизнинг ўткир муаммоси сифатида урғуланди.



Шу боис Париж келишувига риоя қилиш ва углерод нейтраллигига ўтиш муҳимлиги таъкидланди. Дунё парламентлари экологик ташаббусларни илгари суриш ва "яшил" технологияларни қўллаб-қувватлашда етакчи роль ўйнаши кераклигига ишонч билдирилди.

Хотин-қизлар, ёшлар ва ижтимоий ҳимоя масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз, шунингдек, дунё миқёсида аёл депутатларнинг улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб 27,2 фоизга кўтарилганини қайд этди. Иқтисодиётнинг барча тармоғида аёлларнинг эркаклар билан тенг иштироки таъминланса, жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 26 фоизга ўсиши таъкидланди. Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг Осиёда аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ролини кенгайтиришга қаратилган резолюцияни илгари сураётгани айтилди. Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблаши урғуланди. Хусусан, бу — ҳар бир инсоннинг сифатли хизматлардан фойдаланишини таъминлаш, ёшларнинг ҳаётнинг барча жабҳасида фаол иштирок этиши учун шароит яратиш, демак.

Дунёдаги ҳеч бир давлат ва жамият фақат кўплаб қонун ёки қарорлар қабул қилиш билан ривожлана олмаслиги уқтирилди. Барчамиз бу йўлда бирлашиб, қонун ижодкорлиги руҳини кучайтириб, бор билим ва тажрибамизни ягона мақсад сари сафарбар этишимиз зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон Президенти дунё парламентларини ўзаро англашув ва сайёра келажаги учун масъулият руҳида бирлашишга даъват қилди.

Таъкидлаш жоизки, Парламентлараро Иттифоқ 150-юбилей ассамблеясининг Тошкент шаҳрида ўтказилаётгани ҳам Ўзбекистон, ҳам бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим воқеликдир. Бинобарин, ушбу нуфузли анжуман доирасида инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, камбағалликни қисқартириш, қонун устуворлигини таъминлаш, илмий-техникавий тараққиёт ва ёшларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Парламентлараро шерикликни кучайтириш, бутун дунёда тинчлик ва демократияни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу тариқа Ўзбекистон парламентлараро ҳамкорлик тизимида фаол позицияни эгаллаб, парламент дипломатиясидан халқаро муносабатларни жипслаштириш, миллий манфаатларни илгари суриш, глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда қатнашиш воситаси сифатида фойдаланаётгани яққол намоён бўлди.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.**

# АМАЛИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

**Илҳом ШАБАНОВ,**
**«Caspian Barrel» нефть тадқиқот маркази директори (Озарбайжон):**



— Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё минтақаларидаги транспорт-логистика жараёнлари бўйича мутахассис сифатида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг глобал ва минтақалараро ташаббуслари мени, айниқса, қизиқтиради. Шу боис Ўзбекистон Президентининг Тошкентда бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясидаги нутқини катта эътибор билан кузатдим.

Бугун бутун дунё парламент дипломатиясининг халқаро муносабатлар тизимидаги юксак ўрни ва қатор глобал муаммоларни ҳал этишга қўшган ҳиссасига гувоҳ бўлмоқда. Бу галги ассамблеянинг "Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати" мавзуи ҳам жуда долзарб. Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур анжуманнинг очилишидаги нутқи чуқур рамзий маънога эга, чунки у қуролли можаролар, экологик офатлар ва иқтисодий инқирозлар каби долзарб глобал муаммоларни ҳал этишда парламентлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоизки, давлатингиз раҳбарининг нутқи икки йил аввал Ўзбекистонда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси чин маънода амалга оширилганидан далолат беради. Дунёнинг 181 мамлакати парламентларини ўз ичига олган ушбу нуфузли уюшма ўзининг олий органи — ассамблея мажлисларини фақат парламентаризм ва барқарор ривожланиш борасида ижобий тажрибага эга мамлакатларда ўтказади. Ушбу жиҳатни инобатга оладиган бўлсак, мазкур ассамблеянинг Ўзбекистонда илк бор ўтказилиши жаҳон ҳамжамияти томонидан демократик ислоҳотлар ва мамлакатингиз етакчиси раҳнамолигида республикада парламентаризмни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг эътироф этилганини тасдиқлади.

Глобал экологик ва озиқ-овқат муаммолари билан яқиндан таниш бўлган мутахассис сифатида, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан келтирилган рақамлар мени ҳайратда қолдирди. Жумладан, сўнгги 30 йил ичида жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробар ошди. Бироқ, афсуски, камбағалларнинг даромадлари деярли ўзгаришсиз қолди. Агар бу тенденция давом этса, 2030 йилга бориб дунёда 575 миллион киши камбағалликда яшайди ва 84 миллион бола таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Шу боис Ўзбекистон Президентининг мазкур ҳолат иқтисодиёт ва жамиятга катта зарар етказаётгани, ижтимоий-иқтисодий институтлар фаолиятини заифлаштираётгани, пировардида одамларнинг имкониятлари чекланаётгани ҳақидаги фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Шунингдек, мамлакат етакчисининг бундай тенгсизликнинг асл сабабларини аниқлаш ва унинг оқибатларига қарши курашиш зарурлиги ҳақидаги чақириғи ҳам ўз вақтида янгради. Шубҳасиз, бу ҳар бир инсоннинг устувор вазифаси бўлиши керак.

**«Дунё» АА.**

# ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ПАРЛАМЕНТ МАСЪУЛИЯТИ



*Президентимиз Шавкат Мирзиёев Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси очилишидаги нутқида барча қитъалардан келган нуфузли делегацияларни самимий қутлар экан, турли минтақалардаги ўта мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиётни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи талаб қилаётганини қайд этди. Дарҳақиқат, вакиллик дипломатиясини кучайтириш, долзарб масалаларни умумий манфаатлар асосида ҳал қилишда Парламентлараро Иттифоқ стратегик аҳамиятга эга.*

Давлатимиз раҳбари нутқида кейинги ўттиз йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробар ортгани ҳолда, инсониятнинг камбағал қатламлари даромадлари деярли ўзгармай қолаётгани, агар шу тенденция сақланиб қолса, 2030 йилга бориб дунё аҳолисининг 575 миллион нафари қашшоқликда умр кечириши, 84 миллион бола эса таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлиши таъкидланди. Бу рақамлар барчамизни чуқур ўйга толдиради.

Дунё давлатларида ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлаш парламентлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Бунинг учун вакиллик органлари доимий фикр ва тажриба алмашиб бориши, ижтимоий тараққиёт йўлидаги долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ташаббускорлик кўрсатиши тақозо этилмоқда.

Нутқда тинчлик ва хавфсизлик, иқлим ўзгаришлари, хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш каби ижтимоий тараққиёт йўлида муҳим бўлган масалалар қаторида жамият ҳаётининг барча жабҳасида тўлақонли иштирок этиши учун ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу борада доимий мулоқотни кучайтириш мақсадида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил қилиш ва унинг таъсис форумини юртимизда ўтказиш таклиф этилди.

Жамиятнинг ҳар томонлама барқарор тараққий қилиши ёшларнинг фаоллиги ва барча жараёнда бевосита қатнашишига чамбарчас боғлиқ, албатта. Таълим-тарбияда, билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш ва меҳнат фаолиятида, умуман, фундаментал ҳуқуқларни амалга оширишда тенглик таъминланадиган бўлса, ёшлар ўзларини тўлиқ намоён этади. Ёшлар давлатлар ва минтақалардаги долзарб масалаларга ечим топишда ҳам шижоат кўрсатади. Шу маънода, дунё ёшлари ўртасида парламент институтлари орқали доимий мулоқот ўрнатилиши ҳаётий ташаббусдир.

Ижтимоий тараққиёт ва адолатга эришишнинг муҳим омилларидан бири ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга доир ҳуқуқларини таъминлаш ҳисобланиши бежиз эмас. Мамлакатимизда бу борада глобал чақириқларга муносиб ислоҳотлар изчил тус олмоқда. Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида ижтимоий сиёсатда амалий ифодасини топиб келмоқда. "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури юқори сафарбарлик ва масъулият билан амалга оширилаяпти, жараёнда нафақат ижро ҳокимияти, шу билан бирга, вакиллик идоралари ҳам бевосита иштирок этмоқда, ижтимоий тараққиёт учун парламент ҳаракати вазифасини бажаришга интилаётир. Айтиш мумкинки, ассамблея кун тартибидаги масала бўйича Ўзбекистонда тизимли саъй-ҳаракатлар бошланган.

Ассамблея ишидаги қизғин мулоқот ва учрашувларни кузатар эканмиз, бутун дунё парламентлари вакиллари юртимизда умумий тараққиёт учун фикр алмашиш имкониятига эга бўлганидан самимий ифтихор туямиз.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари.**

# КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ УЧУН ЎЗИГА ХОС ПЛАТФОРМА

*Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси илк бор Ўзбекистонда ўтказилаётгани юртимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ортиб бораётганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари ассамблеянинг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, бундай ўта оғир шароитда парламентларнинг дунёда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга замоннинг ўзи даъват этмоқда.*



Президентимиз ўз нутқида бир қанча аниқ ташаббусларни, жумладан, Ёшлар парламентлари учун глобал платформани яратиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилди. Шунингдек, қатнашчиларни шу йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтадиган қашшоқликни қисқартириш бўйича халқаро конференцияда иштирок этишга чақирди. Аёллар етакчилигига ҳам катта эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бири, дея таъкидлаб, БМТнинг осиёлик аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган резолюцияси қўллаб-қувватланишига умид билдирди.

Шунингдек, сунъий интеллект этикаси бўйича глобал стандартлар зарурлиги айтилди. Таъкидланганидек, технологиянинг жадал ривожланиши эҳтимолий таҳдидларни минималлаштириш ва ундан фойдаланишда адолатни таъминлаш учун ўз вақтида ҳуқуқий асослар яратишни талаб этади. Шу боис Ўзбекистон таклифлари ПИ стратегиясининг мақсад ва руҳига мос келиши ҳамда парламентларнинг жаҳон миқёсидаги ролини оширишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

ПИ Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти — "Дўстлик" ордени билан тақдирлангани ассамблеянинг алоҳида эътиборли томони бўлди. Бу эътироф унинг глобал парламент мулоқотига қўшган ҳиссаси, демократия ривожи ва Ўзбекистоннинг ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлаганини намоён этади.

Умуман айтганда, ассамблеяда 140 дан ортиқ мамлакатлар парламентлари вакиллари иштироки, тажриба алмашиши, глобал муаммолар ва янги ташаббусларни муҳокама қилиши Ўзбекистоннинг парламент дипломатияси маркази сифатида тобора юксалиб бораётганини тасдиқлайди.

Ассамблеянинг сессиялари ва тадбирлари динамик жадвалга амал қилади. Айни пайтда парламент аъзолари инклюзив ривожланиш, қонун чиқарувчи органларнинг рақамли трансформацияси, барқарор иқтисодиёт ва иқлим муаммоларига бағишланган ялпи мажлислар, давра суҳбатлари ва форумларда иштирок этмоқда.

Ассамблея 9 апрель куни якунланади, аммо унинг сиёсий ва рамзий таъсири, шубҳасиз, узоқ вақт акс садо беради. Бу шунчаки бир қатор учрашувлар эмас, балки парламентлар етакчи роль ўйнайдиган янги халқаро тартибни шакллантириш йўлидаги салмоқли қадам бўлиб, Ўзбекистон ўзининг ишончли ҳамкори ва илғор ўзгаришларнинг асосчиси мақомини тасдиқлайди.

**Зиёдбек ЮНУСОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Пойтахтимизда ўтаётган Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясида 140 га яқин давлатлардан 2 мингдан зиёд делегатлар қатнашаётгани унинг жаҳон сиёсатидаги нуфузини кўрсатиб турибди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида эришилган ижобий натижалар ассамблея шиорига айланган ижтимоий тараққиёт ва адолат учун хизмат қилмоқда.*



Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ассамблея очилиш маросимидаги нутқи илғор демократик давлатлар парламентлари вакиллари, халқаро экспертлар томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Нутқда бугунги дунёни ташвишга солаётган ўткир муаммолар, таҳдидлар, амалий таклифлар, ҳаётий ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари дунё миқёсида тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи талаб этаётганига барчанинг эътиборини қаратди.

Юртимизда парламентаризмни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларга тўхталиб ўтилди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни бир неча карра оширилди. Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилганлиги Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Яна бир жиҳат, айни кунда Қонунчилик палатаси Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, коррупцияга қарши курашиш каби ўта долзарб масалалар юзасидан тизимли фаолиятни амалга ошириб келмоқда. Қолаверса, миллий парламентимиз дунёга ҳам кенг очилмоқда. Жумладан, 80 та қўшма дўстлик гуруҳи ва комиссия фаолияти самарали йўлга қўйилган. Дўстлик гуруҳлари томонидан қонун ижодкорлиги, ҳукуматлараро имзоланган шартномаларнинг ижроси юзасидан парламент назоратини олиб бориш, ўзаро тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Президентимиз дунё парламентлари ҳамжамияти эътиборини бир қатор муҳим масалаларга қаратди. Жумладан, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро стандарт ва меъёрлар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб экани қайд этилди.

Биз бу фикрнинг қанчалик ҳақиқатлигини юртимиз, ҳудудлар ва маҳаллалардаги ислоҳотларда кўриб турибмиз. Ўзбекистон ижтимоий давлат экани Конституциямизда мустаҳкамланди, аҳолининг ҳар томонлама ҳимоясини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Камбағалликка қарши кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада охирги саккиз йилда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 8,9 фоизга туширилди. "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури амалга оширилаётган бўлиб, жорий йил якуни билан бу кўрсаткични 6 фоизга пасайтириш марраси олинган.

Эътиборли жиҳати, анжуманда Ўзбекистоннинг камбағалликка қарши курашиш бўйича эришилган натижалари ва тажрибаси иштирокчилар томонидан олқишланди.

Ҳозирги кунда барча жабҳага кенг кириб келаётган сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтириш ҳамда ундан фойдаланиш этикаси бўйича модель қонун ишлаб чиқиш таклифи ҳам бутун дунё қонун ижодкорлари томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида билдирилган таклиф ва ташаббуслар Парламентлараро Иттифоқнинг доимий эътибори ҳамда кун тартибида бўлишини Иттифоқ Президенти Тулия Эксон алоҳида таъкидлади.

**Фирдавс ШАРИПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Таҳлилларга кўра дунё миқёсида аёл депутатларнинг улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб 27,2 фоизга кўтарилган.**

## Марказий Осиё — Европа Иттифоқи:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ




←1 У 2027 йилгача бутун дунё бўйлаб 300 млрд. евролик давлат ва хусусий инвестицияларни жалб этиш, барқарор ўсишни қўллаб-қувватлаш, рақамли, энергетика, транспорт алоқадорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, илмий тадқиқот тизимларини ривожлантиришга қаратилган. “Global Gateway”да Европа Иттифоқи билан иштирок этиш нафақат инвестицияларни жалб қилиш имконияти, балки Транскаспий халқаро транспорт йўналиши каби лойиҳалар доирасида транзит салоҳиятини мустаҳкамлаш воситасидир.

**Европа Иттифоқининг махсус вакили Эдуардс Стипрайс**нинг таъкидлашича, саммит жуда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу Марказий Осиёнинг барча беш етакчиси ЕИ раҳбарияти — Европа Иттифоқи ва Еврокомиссия президентлари билан учрашадиган биринчи саммит бўлди. “Биз буни ҳар икки минтақа учун ўзаро манфаатли соҳалардаги ҳамкорлик деб биламиз. Чунки биз Марказий Осиёни иқтисодий ривожланиш ва сиёсий мулоқот нуқтаи назаридан муҳим ҳамкор сифатида кўрамиз”, деди махсус вакил.

Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти “яшил” иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ иқлим мақсадларига эришишга интилмоқда. Бу борада Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўз мажбуриятларини олган. Мазкур глобал муаммо ва уни биргаликда ҳал қилиш учун қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш зарур.

Бундан ташқари, европаликлар назарида минтақамизда юқори малакали ва билимли ишчи кучи бор. Марказий Осиёда ердан қазиб олинадиган ва етиштириладиган хомашё мавжуд. Саноат товарлари ва тўқимачилик, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам шулар жумласидан. Бу — Европа бозорларига чиқиши мумкин бўлган ва зарур маҳсулотлардир. Шу боис Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ҳамкорлигининг истиқболи ниҳоятда порлоқ. Бу борада минтақамизнинг ички интеграциялашуви улкан имкониятларни намоён этади. Европа Иттифоқи 70 йилдан кўпроқ вақт олдин “кўмир ва пўлат иттифоқи” сифатида бошланган ҳолда ҳозирги кунда дунёдаги энг қудратли иқтисодий ва сиёсий блоклардан бирига айланди. Марказий Осиё ҳам келажакда шундай кучга айланиши мумкин.

Саммитда Марказий Осиё учун “Team Europe” ташаббуси доирасидаги инвестиция пакети эълон қилинди. Ушбу муҳим ҳужжат тўрт асосий йўналишга қаратилган: транспорт, ўта муҳим хомашё ресурслари, рақамли тармоқ, сув ва энергия транспорти боғлиқлигини ривожлантириш. 2024 йил ўтказилган Инвесторлар форумида ЕИ ва халқаро ҳамкорлар Каспий денгизи орқали ўтадиган транспорт йўлаги учун 10 млрд. евро ажратишга ваъда берди. Бу йил “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” иқтисодий форуми билан бир вақтда иккинчи Инвесторлар форуми ўтказилади. Шунингдек, ўта муҳим хомашё ресурслари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ва аниқ инвестицияларни жалб қилиш режалаштирилган. Айни йўналишда Марказий Осиёда маҳаллий саноатни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва минтақада иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш мақсад қилинган.

Таълим соҳасида ҳам ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Охирги ўн йил ичида “Erasmus+” дастури доирасида 10 минг талаба ва мутахассис Европа ҳамда Марказий Осиё ўртасидаги алмашинувда қатнашди. Бугунги кунда Ўзбекистон таълим ва кадрлар алмашинуви соҳасида ҳам ЕИнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирда Тошкент шаҳрида Италиянинг Турин политехника университети, Германиянинг Гёте институти филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг март ойида Францияга амалга оширган ташрифи доирасида Ўзбекистон — Франция университетини ташкил этиш тўғрисида ҳукуматлараро битим ҳамда француз тилини ўқитишни кенгайтириш тўғрисида баённома имзоланган эди. Шу боис таълим, фан ва ёшлар сиёсатини ривожлантиришда ҳам саммит доирасида самарали платформалар яратиш кўзда тутилди. Мисол учун “Erasmus+”, “Horizon Europe” каби дастурларда Ўзбекистон иштирокини кенгайтириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш, академик алмашинувлар, тил ўрганиш ва инновацион тадқиқотлар соҳаларида Европа Иттифоқи тажрибаси шулар жумласидандир.

Энди “яшил” ва рақамли ўзгаришлар ҳамкорлик кун тартибида турибди. Марказий Осиё тоза технологиялар учун энг зарур хомашё ресурсларига, улкан салоҳиятга эга. Европа нафақат хомашёни олиб кетиш, балки ишлаб чиқаришда тўлиқ қиймат занжирини яратиш, яъни қазиб олишдан қайта ишлаш ва қайта тиклашгача бўлган жараённи шакллантиришни мақсад қилади. Бу эса маҳаллий иш ўринлари яратиш, юқори экологик ва ижтимоий стандартни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда. Масалан, мамлакатимизда фаолият юритаётган қуёш ва шамол электр станциялари (14 та)га қўшимча равишда умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳаларни амалга ошириш мақсадлари ҳақида давлатимиз раҳбари “Euronews”га берган интервьюсида тўхталиб ўтди. Қолаверса, яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу “иссиқхона газлари” чиқишини қарийб 16 млн. тоннага қисқартириш имконини беради ва Ўзбекистон Париж келишуви доирасида “иссиқхона газлари” чиқиндисини 35 фоизга камайтириш бўйича зиммасига олган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради.

Сув ресурсларини тежаш бўйича Европа Иттифоқи катта тажрибага эга. Бу борада европаликлар билан ирригация инфратузилмасини модернизация қилишдан тортиб музликларни биргаликда кузатиш ва илғор сув тежовчи технологияларни жорий этишгача бўлган йўналишларда ҳамкорлик қилиш мумкин. Устувор йўналишлардан яна бири экотизимлар ва биохилмахилликни тиклашдир. Таназзулга учраган ерларни, жумладан, Оролбўйи ҳудудини кўкаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли дастур — “Марказий Осиёнинг яшил белбоғи” лойиҳасини амалга оширишда Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қўл келади.

Марказий Осиё давлатлари учун ҳудудий хавфсизликни таъминлаш ҳар доим муҳим йўналиш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, 2023 йилда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида бу соҳадаги ҳамкорлик масалаларини экспертлар муҳокамасига олиб чиқиш вазифаси кун тартибига қўйилди. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё ҳам, Европа Иттифоқи ҳам хавфсизлик соҳасида, хусусан, терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчиликка, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланмасига қарши кураш масалаларида умумий таҳдид ва хатарларга дуч келмоқда. Шу нуқтаи назардан, ЕИ билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масаласига ўзаро муносабатларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралади.

Европа Иттифоқи билан товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. 2024 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6,4 млрд. долларга етди, бу ўтган йилдагига нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Мамлакатимизда Европа капитали иштирокидаги мингдан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса 30 млрд. еврога етган.

2021 йилдан Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) кучга кириши савдо айланмасининг ижобий динамикасига кўмаклашди. “GSP+” тизимининг бенефициар аъзоси сифатида Ўзбекистоннинг бир қатор муҳим экспорт товарларига тарифлар бекор қилиниши экспортимизнинг ўсиши ва мамлакатимизга қўшимча сармоялар жалб этилишига имкон беради. Барқарор тараққиёт соҳасида “GSP+” олдидаги мажбурият Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқни кўра оладиган иқтисодий шерик сифатидаги позициясини янада мустаҳкамлайди. Имтиёздан энг кўп фойдаланаётган маҳсулотлар таркибидан тўқимачилик ва кийим-кечак, пластик маҳсулотлар, шунингдек, мева-сабзавот ва ёнғоқ ўрин олган. Бу эса Ўзбекистон экспорти тузилмалари унинг Марказий Осиёдаги қўшнилари билан таққослаганда ранг-баранглигини кўрсатади.

Қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши эса, шубҳасиз, Евроосиё қитъасининг индустриал харитасини тубдан ўзгартириб юборишга имкон беради. Негаки, бундай ҳамкорликдан ҳар икки томон ҳам катта фойда топади. Бунинг учун имкониятлар етарли. Масалан, мураккаб геосиёсий вазият ва глобал иқтисодиётдаги салбий жараёнларга қарамасдан, Марказий Осиё мамлакатлари барқарор ўсишни намойиш этмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки таҳлилчиларининг сўнгги ўрганишларига кўра, минтақадаги умумий иқтисодий ўсиш жорий йилда 5,3-5,5 фоизлик кўрсаткичга чиқади. Европалик экспертлар эса Ўзбекистонда ўртача 6,5 фоизлик йиллик ўсишни башорат қилмоқда.

> **Айни пайтда мамлакатимиз ўз олдига “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига асосан ялпи ички маҳсулот ҳажми ва аҳолининг реал даромадларини икки баробар ошириб, даромадлари ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришни режалаштирган. Жадал саноатлаштириш сиёсати, шу жумладан, қайта ишлаш тармоқларига хорижий сармояларни, хусусан, ЕИ давлатлари инвестицияларини кенг жалб этиш ушбу мақсадга эришишнинг асосий омили бўлади.**

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё ва ЕИ мамлакатларининг Қирғизистонда бўлиб ўтган саммитидаги нутқида таъкидлаганидек, экспортчиларимиз Европа бозорига умумий қиймати 4 млрд. евро бўлган 500 номдаги саноат товарларини етказиб беришга тайёр. Шу билан бирга, минтақамизда ЕИ талабларига мувофиқ замонавий лабораториялар, стандартлаштириш ва сертификатлаш марказлари тармоғини яратиш, “кўҳна қитъа” бозорларида ишлаши учун экспортёрларнинг билим ва салоҳиятини ривожлантириш, Европа компанияларининг минтақа мамлакатлари савдо имкониятлари ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим, албатта.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қабул қилиш жараёни тез фурсатда якунланиши ҳам савдо-иқтисодий масалалар ва ушбу вазифанинг ижросига хизмат қилади. Бироқ шусиз ҳам жуда мураккаб геосиёсий шароитда Марказий Осиё ЕИнинг энг муҳим ҳамкорига айланди.

Бундан бор-йўғи бир неча йил олдин Марказий Осиё Европа ҳамжамияти учун чекка ҳудуд бўлиб туюлганди, бугун эса минтақамиз транспорт-транзит йўлларининг марказига айланди. Шу маънода, барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида ўзаро боғланган транспорт йўлакларини шакллантириш устувор масала. Айниқса, Марказий Осиё ва Европанинг транспорт-коммуникациявий боғлиқлигини, энг аввало, “Ўрта маршрут” деб ном олган Транскаспий транзит йўлагини шакллантириш орқали ривожлантириш мақсадида мамлакатларимизнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим. Бу йўл минтақанинг қиёфасини ўзгартириш, Хитойдан тортиб Марказий Осиё, Жанубий Кавказ, Туркия ва Европа каби бошқа минтақалар чегараларига уланиш, товар етказиб бериш имконини беради. Мазкур йўлак Европага ҳам, Марказий Осиёга ҳам барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш учун ечим ҳисобланади.

**Эксперт Маурицио Гери (Италия)** фикрича, ҳозир ҳал қилувчи палла, чунки Марказий Осиё республикалари ҳам ўзаро, ҳам қитъа билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда. “Марказий Осиёнинг бешта давлати энергетика, транспорт ва рақамли технологиялар каби соҳаларда ўсиб бораётган кўрсаткичларни намойиш этаётгани баробарида, бир-бири билан интеграцияга қизиқиш ортиб бораётгани ҳам қувонарли. Бу Марказий Осиёда катта ўзгаришдир, чунки Европа Иттифоқи Марказий Осиё учун минтақавий интеграция бўйича тўпланган тажрибасини баҳам кўриши мумкин. Интеграция жуда фойдали бўлади, чунки биз минтақадаги энг муҳим соҳалар ва геополитик даврни бошдан кечирмоқдамиз”, дейди эксперт.

Биринчи саммит якунида икки минтақа ўртасида стратегик шериклик ўрнатишни назарда тутувчи Қўшма декларация ва ўта муҳим минераллар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилиниши саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлди. Бу ҳужжат томонларнинг стратегик шериклик ўрнатишга бўлган умумий интилишини акс эттирди. Декларация нафақат эришилган келишувларни мустаҳкамлайди, балки минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратади.

Умуман, Самарқанд саммити Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида барқарор, ўзаро манфаатли шерикликни барпо этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бўлиб ўтган музокаралар натижалари минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун хизмат қилиши муқаррар.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,**
**шарҳловчи («Халқ сўзи»).**

# ҲАРБИЙ САНЪАТНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

←1 Бу йўлда Соҳибқиронга навбатдаги (бешинчи маротаба) сотқинлигини қилган ва Тўхтамишхонни қўллаб-қувватлаган Хоразмдаги Сўфилар ҳукмронлигига барҳам беради ҳамда бутун Мовароуннаҳр ягона ҳукмдорлик остида бирлаштирилади.

Шундан сўнг Амир Темур Мўғулистон ҳудудларидан туриб, Сирдарё ва Амударё оралиғига мунтазам босқинчилик юришини ўзларига касб қилиб олган мўғул хонларининг хатти-ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида 1389 йилда Иртиш дарёси бўйлари, Кошғар атрофлари ва Мўғулистонгача юриш қилиб, Анқо тўра ва Хизр Хўжа ўғлон каби мўғул хонлари ҳамда номдор саркардаларини буткул мағлуб этди, катта ўлжа билан Самарқандга қайтди. Бу билан Мўғулистон хонларининг кучи синдирилди ва уларнинг Мовароуннаҳрга босқинчилик юриши қилишга куч-қувватлари ҳам, Тўхтамишхон билан келгусида бирикишга имкониятлари ҳам қолмади.

Имкон қадар чингиззодани яккалашга ҳаракат қилган Амир Темур мақсадига эришди ва 1390 йил охирида катта қўшин билан Сирдарёдан кечиб ўтиб, Дашти Қипчоқ томон юриш қилди. Шу тариқа, Тўхтамишхонга қарши юриши олдидан рақибларини бир-биридан ажратиб, уларни алоҳида-алоҳида мағлуб этиш тактикасини қўллади. Бу мисолдан **душманни яккалаш** — Соҳибқиронга хос катта стратегиянинг бир қисми экани намоён бўлади.

Амир Темурнинг турк султони Боязидга қарши курашида ҳам шу тактика қўлланилган. Яъни Амир Темур Боязидга қарши ҳал қилувчи жангдан олдин унинг қатор иттифоқчилари ҳамда унга кўмак бериши мумкин бўлган кучларни бартараф этади. Жумладан, Сайфиддин Барқуқ ва Носириддин Фараж каби Миср ҳукмдорларини ўзига муте этиб, ўлпон тўлашга мажбур қилган Амир Темур Шомдаги Халаб (Алеппо), Дамашқ ва Бағдод шаҳарларини ҳам эгаллаб, Боязид билан бўладиган муҳорабада турк султони ушбу шаҳарлардан ўзига қарши фойдаланмаслигининг олдини олади. Шунингдек, жангнинг энг ёмон сценарийсига кўра ўз қўшинлари мағлубиятга учраса ёки мушкул аҳволга тушиб қоладиган бўлса, мазкур йирик шаҳарлар Мовароуннаҳрга чекинишига тўсиқ бўлмаслиги керак эди.

Нафақат ўз давлати бошқаруви ва қўшинининг аҳволи, балки **қўшни давлатлар ва рақибларининг қўшинга, давлат хизматчисига, умуман олганда, кадрларга бўлган муносабати масаласи ҳар доим Амир Темурнинг диққат-эътиборида турган**.

Жумладан, Мовароуннаҳр учун курашда Соҳибқироннинг саркарда ва давлат арбоби сифатидаги ҳар томонлама устунлигини англаган, кўриб-билиб турган Амир Ҳусайн қўшинининг қўмондонлари, зобиту аскарларидан анча-мунчаси ҳали асосий жанг бошланмасидан илгари Амир Темур қўшини сафига келиб қўшилган эди. Амир Ҳусайннинг адолатсизлиги, очкўз ва хасислиги нафақат оддий аҳоли, балки унинг яқинлариниям бездириб юборган эди.

Душман ичидаги норози кишилардан ўз мақсади йўлида фойдаланиш Амир Темур ҳарбий стратегиясида муҳим ўрин тутган. Мисол учун Тўхтамишхонга қарши отланар экан, Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда тахтига даъвогар бўлиб юрган бошқа қатор чингизий шаҳзодалар Темур Қутлуғ ўғлон ва Кунчи ўғлонни ҳамда Оқ Ўрданинг машҳур амири Эдиқут ўзбек (рус манбаларида Едигей номи билан танилган)ни ҳузурига чақиртириб, тахт учун курашда уларни қўллаб-қувватлашини айтади ва иззат-икром кўрсатади. Тўхтамишхондан норози бўлиб юрган ушбу шахслар Соҳибқироннинг унга қарши юришида йўлбошловчилик қилади.

Амир Темур турк султони Боязид Йилдирим билан жанг олдидан ҳам турклар қўшини, саркарда ва лашкарбошиларини атрофлича ўрганади. Шунда унинг эътибори Боязид қўшинида ёлланма лашкар сифатида фаолият юритиб келаётган қора татарларга тушади ҳамда яширин келишувга эришиб, уларни ўз томонига оғдириб олади. Мазкур келишувдаги Амир Темурнинг ўзига хос ёндашуви ёки тактикаси шунда эдики, қора татарлар ўша заҳотиёқмас, балки айнан иккала қўшин бевосита тўқнашган пайтда Соҳибқиронга ўз садоқатларини намоён этиб, унинг томонига ўтишлари ҳамда ўз қуролларини турк султонига қарши қаратишлари лозим эди. Чунки урушдан бир-икки ой олдин ушбу тадбир қўлланилганда ва қора татарлар турк қўшинини тарк этиб, Амир Темур қўшинига қўшилганида, Боязид уларнинг ўрнини тўлдириш чора-тадбирларини кўриб қўйган бўлар эди. Аммо айнан жанг майдонида ва авж маҳалида қора татарларнинг Амир Темур томонига ўтиб кетиши натижасида турк султони бирор чора топиш имкониятидан буткул маҳрум бўлар ва ушбу тадбир Амир Темурнинг ғалабасига кўмак берарди.

Анқара жангида айни сценарий асқатади. Боязид қўшинининг чап томонидан жой олган қора татарлар урушнинг қизғин маҳалида Амир Темур томонга ўтади. Ушбу чора-тадбирни ҳам душман фавжларини синдириш бўйича Амир Темур ҳарбий стратегиясининг бир элементи ёки тактикаси сифатида талқин этиш лозим.

Соҳибқироннинг Хитойга юриши чоғида Чингизхон наслига мансуб қатор хонзодаларни ҳам атрофига тўплаб, юришга олиб боргани маълум.

Хитой ерлари ўз вақтида Чингизхон ва унинг авлодлари томонидан забт этилгани ва бошқарилганини яхши билган Амир Темур чингизий хонзодаларнинг ўтмишдаги шон-шуҳратни қўмсашлари ва ҳукмдорлик истаклари мавжудлигини яхши англар эди. Шу сабабли Амир Темур пароканда бўлиб, турли ҳудудларга тарқаб кетган ҳамда хонлик даъволаридан кечмаган Жўчихон (Чингизхоннинг биринчи ўғли) ва Ўқтой қоон (Чингизхоннинг учинчи ўғли ва вориси) авлодларини Хитой юришига олиб чиқади. Ушбу тадбир орқали Хитой ерлари забт этилгач, Соҳибқироннинг чингиззодаларни маълум ҳудудлар бошқарувига тайинлаш, улардан муайян мақсадларда фойдаланиш режаси бўлгани ҳам ҳақиқатга яқин. Демак, Чингизхон авлодларидан ўз мақсади йўлида фойдаланганини Соҳибқирон стратегиясининг муваффақиятли белгиси сифатида эътироф этиш ўринли бўлади.

Лўнда қилиб айтганда, Амир Темурнинг ҳарбий стратегияси — давлат бошқаруви ва ҳарбий санъат тараққиётининг ёрқин намунаси эканини эътироф этган ҳолда, бундан фахрланишимиз ҳамда муносиб ворислар бўлишга интилишимиз лозим. Шунингдек, Соҳибқирон ҳаёти, давлат бошқаруви ва ҳарбий санъатини замонавий усулларни қўллаган ҳолда чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва тегишли хулосалар чиқариш, ёш авлодга имкон қадар кўпроқ бадиий, илмий-оммабоп маълумотлар бериш илм-фан соҳаси вакиллари, ижодкорлар олдидаги муҳим вазифадир.

**Рустам РАШИДОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, ҳарбий фанлар доктори (DSc).**

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

### Темурийлар салтанатининг рангдор «смарт» харитаси яратилади

*Темурийлар тарихи Давлат музейида буюк Амир Темур ҳақида батафсил маълумот берувчи экспонатлар, жумладан, Соҳибқироннинг узуги, либослари, қурол-аслаҳалари ва темурийлар даврига оид нодир илмий манбалар мавжуд. Музейдаги экспонатлар сиғими юқорилиги ва ранг-баранглиги ҳар қандай ташриф буюрувчини доим ўзига жалб қилиб келган.*

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази экспозициясида Амир Темур ва темурийларга алоҳида жой ажратилган бўлиб, бунда экспозициянинг жозибадор ва халқаро талабларга мос келувчи маскан бўлиши кутилмоқда.

Айни кунларда марказ ташаббуси билан бир гуруҳ олимлар “Темур тузуклари”нинг қадимий қўлёзмалари ва нашрларининг нусхаларини тайёрлаб, тўпламоқда. “Темур тузуклари” асосида Амир Темур давлатининг маъмурий-ҳудудий бошқарувига оид материаллар яратилиши режалаштирилган.

### «Муҳандислик ойлиги» бошланди



*Шу йил апрель ойи Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан юртимизда илк бор “Муҳандислик ойлиги” деб эълон қилинди.*

Мазкур ташаббус юртимизда муҳандислик соҳасининг салоҳиятини ошириш, талабаларнинг ижодий ва техник кўникмаларини ривожлантириш ҳамда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Шу муносабат билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида “Муҳандислик ойлиги” расман очилди. Маросимда мутасаддилар муҳандислик соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибор, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳамда илғор ташаббуслар ҳақида сўз юритиб, ёш муҳандислар ва иштирокчиларга мусобақаларда муваффақият тилади.

Тадбир доирасида уюштирилган “Made in TUIT” номли кўргазмада талабалар яратган энг яхши инновацион ишланмалар намойиш этилди.

### «Менинг боғим» лойиҳасининг навбатдаги мавсуми



*Айни пайтда “Очиқ бюджет” ахборот порталида “Менинг боғим” лойиҳасининг 2025 йилги янги мавсуми бўлиб ўтмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хабарига кўра ушбу жараён уч босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда (5 — 14 апрель) фуқаролар томонидан порталга лойиҳа таклифлари киритилади. Иккинчи босқичда келиб тушган (15 — 20 апрель) лойиҳалар белгиланган талаб ва мезонлар асосида саралаб олинади. Учинчи босқичда эса (21 — 30 апрель) танланган лойиҳаларга овоз берилади. Энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар ғолиб деб топилиб, манзилли рўйхат асосида молиялаштирилади ва “яшил боғ” ҳамда “яшил жамоат парклари” барпо этилади.

Маълумот учун жорий йилда лойиҳа учун жами 52 млрд. сўм маблағ ажратилади. Маблағлар 208 та туман ва шаҳарга тенг улушларда, 250 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда тақсимланади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва жамоаси институтнинг Тиббий ва биологик кимё, тиббий биология, умумий генетика кафедрасининг собиқ доценти

**Собир АРИФДЖАНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан Наманганда «Саломатлик сари» шиори остида юриш марафони бўлиб ўтди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6